



"TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ  
XO'JALIGINI MEXANIZATSİYALASH  
MUHANDISLARI INSTITUTI" MILLİY TADQIQOT  
UNIVERSİTESİ



# Fan: | Materiallar qarshiligi

Mavzu  
14

МУВОЗАНАТНИНГ УСТИВОР ВА НОУСТИВОР  
ШАКЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА ВА  
БЎЙЛАМА ЭГИЛИШ



Yuldashev Bakhtiyor  
Shodmonovich



Mexanika va kompyuterli  
modellashtirish kafedrasi dotsenti


# **МУВОЗАНАТНИНГ УСТИВОР ВА НОУСТИВОР ШАКЛЛАРИ ТҮҒРИСИДА ТУШУНЧА ВА БҮЙЛАМА ЭГИЛИШ**


Режа:

1. Умумий тушунчалар
2. Критик кучни аниклаш. Эйлер формуласи
3. Критик куч қийматига стержен учларини махкамланиш турларининг таъсири.

Оддий ва мураккаб деформация турларида конструкция элементларининг мустахкамлигини ва бикрлигини баҳолашни кўриб чиқдик. Баъзи холларда конструкциянинг холатини бу критериялар билан баҳолашнинг ўзи етарли бўлмайди. Яъни, шундай холатлар бўлиши мумкинки ҳисобга олинмаган жуда кичик бир таъсир инженерлик объектларини умуман ишга яроқсиз қилиб қўйиши мумкин. Бу холат конструкция элементларининг устуворлиги билан боғлиқ бўлган холатdir.

Назарий механикадан маълумки абсолют қаттиқ жисмнинг мувозанат холати уч хил яъни, *устивор*, *бефарқ* ва *ноустивор* бўлиши мумкин. Силлиқ сиртларда ётган шарни мувозанатларини кўрайлик (1-расм ).







**Биринчи шарни жойидан сал қўзғатсак, яна у ўзининг аввалги холатига қайтади, яъни **бу холат устивордир**,**  
**иккинчисини сал жойидан қўзғатсак**, горизонтал текисликда ётган шарнинг мувозанати бефарқдир чунки шарни текисликнинг хар бир нуктасига куйсак хам шу жойда туриб колаверади, яъни **бу холат бефарқдир**,  
**учинчиси эса** сал жойидан қўзғатишими билан у кетиб колади, яъни у **ноустивор холатда**. Худди шундай холатлар деформацияланувчи қаттиқ жисмларда ҳам кузатилиши мумкин, яъни конструкция элементларига таъсир қилаётган кучни қийматига қараб, уни мувозанат холатда туришини белгилаш материаллар қаршилигини **асосий муаммоларидан бири** ҳисобланади.

Бу ходиса асосан узун ва ингичка стерженларда күп учрайди. Мисол тариқасида қайдаги холатларни кузатишимииз мүмкін (2-расм).


а)



б)




в)




2-расм


а)



б)



в)




## 2-расм

**Биринчи холатда** уни ёнидан сал туртсак у ўзини илгариги түғри чизиқли холатига дархол қайтади (2-расм а) - **у устивор холатда**.

**Иккинчи холатда** эса кучни миқдори маълум бир қийматга етган (2 расм б), бу холатда стерженни сал туртсак у муозанатдан чиқиб маълум бир эгри чизиқли холатни эгаллайди ва у бу холатдан қайтмасда шу холатда ўзининг мувозанатини сақлаб туриши мумкин. Бу холда агар, стерженни түғрилаб қўйсак у яна түғри чизиқли холатда туриши мумкин (бу **бефарк холатда**).

**Учинчи холатда** кучни миқдорини тағин жуда озгина оширсак, у умуман эгилиб кетади ва бошқа түғри чизиқли холатга қайтмайди (2-расм в), яъни устиворликни умуман йўқотади (бу **ноустивор холатда**).



**Агарда стержен үнга таъсир қилаётган кучнинг бирор қийматида ўзининг ҳам тўғри чизиқли, ҳам эгри чизиқли холатида мувозанатини сақлаб тура олса, бу холатга тўғри келган куч критик куч дейилиб, у  $P_{кр}$  деб белгиланади.**

Кучни миқдори, критик кучни қийматига етгандан кейин жуда кичкина таъсир ҳам стерженни мувозанатдан чиқариб, у жуда тез эгилиб кетиши мумкин. Шунинг учун бу холат жуда хавфли бўлиб, бундай эгилиш бўйлама эгилиш деб аталади. Бу ходиса фақат стерженли конструкция элеметларида рўй бермасдан, у пластинкалик ва қобиқлик конструкцияларда ҳам куп учрайди.

Иншоотлар қурилиш тарихида бундай ходисаларни кўп рўй берганлигини қуйидаги мисоллар тасдиқлаши мумкин: **1907 йилда АҚШдаги Шимолий Лаврентия дарёсига қурилган пролети 549м консол системали катта кўприк ағдарилиб тушган.** Бу халокат кўприк қурилишини тугашига озгина вақт қолганда, иш кетаётган пайтда содир бўлган. Бу халокатда 74 киши халок бўлган, 9000 тонна метал конструкция 40 метрли чукурликдаги сувга чўккан.



Mexanika va kompyuterli  
modellashtirish kafedrasi




Mexanika va kompyuterli  
modellashtirish kafedrasi

Худди шу йили Канададаги Квебек кўпригида худди шундай ходиса рўй берган. Бу даврда хали стерженnlарни устиворлигини ҳисоблаш усуллари мукаммал ишлаб чиқилмаганлиги лойихачини гунохини енгиллаштириб, у жавобгарликка тортилмай омон қолган. 1916 йилда бу кўприк худди шу жойда қайтатдан қурилган. Лекин озгина вақт ўткандан кейин бу кўприкни осма пролёти сувга ағдарилиб, кўприк чўкиб кетган.

Худди шундай воқеа 1891 йилда Швейцарияни Менхенштейин кўпригида поезд кўпридан ўтиб бўлишига озгина қолган вақтда рўй бериб, жуда катта халокат рўй берган. Бунга эса фермани битта тирговичининг устиворлигини йўқотиши сабаб бўлган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шамол таъсирида ҳам иншоотларнинг ўзини устиворлигини йўқотганлигига кўплаб мисоллар бор. Лекин бу динамик устиворлик билан боғлиқ ходисалардир. Бундай холатлар материаллар қаршилиги фанини маҳсус бўлимларида ўрганилади.

Юқорида критик күч нималигини аниқлаб олдик. Демак конструкцияга таъсир қилаётган күчни миқдори критик күчга етмаса конструкция фақат соғ сиқилишга ишлар экан, уни қиймати критик күчни қийматига етса у ҳам сиқилишга ҳам эгилишга ишлашига тұғри келади, яъни у қўшимча эгувчи  $M = P \cdot y$  моментга (3-расм) ҳам қаршилик қўрсатиши керак.




Сиқилишга ишлайдиган ҳар бир ингичка ва узун конструкция учун у кўтара олиши мумкин бўлган критик күчнинг миқдорини аниқлаш асосий масала ҳисобланади. Агар биз критик күчни баҳолай олсак у холда биз конструкциямиз кўтариши мумкин бўлган күчни, критик күчдан бир неча марта кичик қилиб олишимиз мумкин. Яъни бу холда конструкцияни хавфсиз ишлашини таъминлаш учун рухсат этилган  $[P]$  күч шубхасиз критик күчдан анчагина кам бўлиши керак яъни:

$$[P] = \frac{P_{kp}}{n_y}$$

$n_y$  - устуворликнинг эҳтиётлик коэффиценти бўлиб, одатда у  $\text{nm}$ -мустахкамлиқда олинган эҳтиётлик коэффицентидан каттарок олинади

## Критик кучни аниқлаш. Эйлер формуласи

Эластик системаларнинг устувор мувозанатини текшириш учун бир неча усуллар мавжуд. Улар қурилиш ва машинасозликда ишлатиладиган турли конструкция элементларини устуворликларини текширишда ишлатилади. Булардан энг оддийси ва энг асосийси Эйлер усули бўлиб, бу усул билан инженерлик практикасида учрайдиган кўпгина масалаларни оддийгина хал қилиш мумкин. **Марказий сиқилган ва эгилувчи стерженларни кўтариши мумкин бўлган критик кучни қийматини топиш масаласини биринчи бўлиб 1744 йилда Леонард Эйлер ҳал қилган.**




$$M = P_{kp} \cdot y \quad (1)$$

Стержен эгилган ўқини дифференциал тенгламаси қуйидагича ифодаланади

$$EI_{min} y'' = -M \quad \text{ёки} \quad EI_{min} y'' + P_{kp} \cdot y = 0 \quad (2)$$

Бу танлаган координата системамида эгувчи момент (+) эгрилик эса (-) бўлгани учун тенгламада (-) ишора олинган.



$$M = P_{kp} \cdot y \quad (1)$$

$$EI_{min} y'' = -M \quad \text{ёки} \quad EI_{min} y'' + P_{kp} \cdot y = 0 \quad (2)$$

(2) тенглама  $y''$  нисбат ечилса у қыйидаги күринишга эга бўлади

$$y'' + k^2 \cdot y = 0 \quad (3)$$


Бу ёрда  $k^2 = \frac{P_{kp}}{EI_{min}}$

$E$  – эластицлик модули,

$I_{min}$  -стержен кўндаланг кесимининг энг кичик инерция моменти.

(2) тенглама бир жинсли оддий дифференциал тенглама бўлиб, уни умумий ечими қыйидаги күринишга эга бўлади

$$y = A \cos kz + B \sin kz \quad (4)$$



$$y = A \cos kz + B \sin kz \quad (4)$$

**A, B** лар ихтиёрий үзгармаслар бўлиб, улар чегаравий шартлардан фойдаланиб топилади яъни,

$$z=0 \text{ да: } y=0.$$


Демак, (4) дан  $A=0$  бўлиб, ёчим қуидаги кўринишга эга бўлади.

$$y = B \sin kz \quad (5)$$

Бу эса стерженимизни синусоида кўринишда эгилишини ифодалайди.

Иккинчи чегаравий шартни кўрадиган бўлсак  
 $z=b$  да:  $y=0$  эканлигидан

$$B \sin kl = 0 \quad (6)$$



$$B \sin kl = 0 \quad (6)$$

Бу (6) тенгликни бажарилиши учун:

1.  $B=0$  ёки
2.  $\sin kl = 0$  бўлиши керак.

**Биринчи хол** бизни қизиқтирмайди чунки  $B=0$  бўлганда стерженни барча нуқталарининг солқилиги нолга тенг бўлиб, стержен тўғри чизиқлигича қолади.

**Иккинчи холдан** эса  $kl$  нинг қуйидаги қийматларида, яъни  $kl = \pi, 2\pi, 3\pi, \dots n\pi$  ларда  $\sin kl = 0$  тенглик бажарилади.

Бундан критик кучни ҳар хил қийматлари қуйидагича бўлиши келиб чиқади

$$P_{kp} = \frac{\pi^2 EI_{min}}{l^2}; \quad \frac{(2\pi)^2 EI_{min}}{l^2}; \quad \frac{(n\pi)^2 EI_{min}}{l^2} \quad (7)$$

$$P_{kp} = \frac{\pi^2 EI_{\min}}{l^2}; \quad \frac{(2\pi)^2 EI_{\min}}{l^2}; \quad \frac{(n\pi)^2 EI_{\min}}{l^2} \quad (7)$$

Лекин бизни қизиқтирадигани бу күчларни энг кичкинасидир, яъни

$$P_{kp} = \frac{\pi^2 EI_{\min}}{l^2} \quad (8)$$

Бу кучни топиш формуласи (8) инженерлик ҳисоблар учун катта амалий аҳамиятга эга. Бу формуладан кўриниб турибдики бу кучни қиймати  $E$ ,  $I_{\min}$   $l$  га боғлиқ. Айниқса  $l$  ни ўзгариши бу кучнинг қийматини катта ўзгартириши мумкин. Лойихаланаётган иншоот учун  $P_{kp}$  қанча катта бўлса, у шунчалик устувор бўлади.

### **Амалдаги ходисаларни кузатиш шуни кўрсатадики:**

- чўзилишга ишлаётган стерженларда хавфли холат (емирилиш) белгилари олдиндан пайдо бўлади, яъни конструкцияда ва материалда баъзи ўзгаришлар пайдо бўлади (емирилиш, кўндаланг кесимни кичрайиши ва х.к.). Сиқилган стерженларда эса устуворликни йўқолиши сезиларли белгиларсиз бирданига хосил бўлиши мумкин. Бу айниқса ўлчамлари нотўғри танланган конструкцияларда кўп учраб туради.


## Критик куч қийматига стержен учларини махкамланиш турларининг таъсири

Биз юқорида критик кучнинг  $P_{kp}$  қийматини топганимизда стерженнинг учлари шарнирли махкамланган деб қараган эдик. Лекин амалиётда учрайдиган конструкцияларда стержен учларини бошқача махкамланиш холлари ҳам жуда кўп учрайди. Шунинг учун одатда критик кучни топишда стержен учларини ҳамма махкамланиш холларини ўз ичига оладиган қуйидаги формула критик кучни топиш учун ишлатилади.

$$P_{kp} = \frac{\pi^2 EI_{\min}}{(\mu l)^2} \quad (9)$$

Бу ерда,  $\mu$ -келтирилган узунлик коэффиценти дейилиб, унинг қиймати стержен учларининг ҳар хил махкамланган холлари учун қуйидагича бўлади.


**Мисол:** Қуидаги стержен үчүн критик күчни қиймати ҳисоблансын.  
Стержен 22 номерли пўлат қўштаврдан ясалган.



**Ечиш:** Сортаментдан №22 қўштаврнинг геометрик характеристикаларини аниқлаб оламиз.

$$I_x = 2550 \text{ cm}^4; \quad I_y = 157 \text{ cm}^4; \quad F = 30,6 \text{ cm}^2.$$

Эластиклик модули  $E = 2.1 \cdot 10^6 \text{ кг/см}^2$ ,  $l = 4\text{м} = 400\text{см}$ .  
Келтирилган узунлик коэффиценти  $\mu = 2$ .



$$I_x = 2550 \text{ cm}^4; \quad I_y = 157 \text{ cm}^4; \quad F = 30,6 \text{ cm}^2.$$

$$E = 2 \cdot 10^6 \text{ кгк/см}^2; \quad l = 4 \text{ м} = 400 \text{ см}; \quad \mu = 2.$$

Эйлер формуласи бўйича критик кучни топамиз:

$$P_{\text{кр}} = \frac{\pi^2 EI_{\text{min}}}{(\mu l)^2} = \frac{3,14^2 2,1 \cdot 10^6 \cdot 157}{(2 \cdot 400)^2} = 5079 \text{ кгк}$$

Критик кучланишни чўзилиш ва сиқилишда кучланишни ҳисоблаш формуласи орқали ҳисоблайдиган бўлсак, у

$$\sigma_{\text{кр}} = \frac{P_{\text{кр}}}{F} = \frac{5079 \text{ кгк}}{30,6 \text{ см}^2} = 166 \frac{\text{кгк}}{\text{см}^2}$$

Бу критик кучни қийматида олинган кучланишимиз. Одатда стержен агарда бу стерженимиз чўзилишга ишлаганда эди, у камидা **1600 кгк/см<sup>2</sup>** бардош берарди (пўлат учун рухсат этилган кучланиш **[σ]=1600 кгк/см<sup>2</sup>** бўлгани учун), яъни у 10 баробар кўп юк кўтариш имкониятига эга бўларди. Афсуски сиқилишга ишлаганда у ўзини устиворлигини бор йўғи **σ<sub>кр</sub>=166кгк/см<sup>2</sup>** бўлганда йўқотаяпти.

## Критик кучланиш ва Эйлер формуласини ишлатиш чегараси

Агарда стерженга кўндаланг куч таъсир қилмаса у ўзини тўғри чизиқли холатини критик куч  $P_{kp}$  таъсир қилганда ҳам сақлайди, шунинг учун стерженда хосил бўладиган критик кучни қуидаги формуладан топсак бўлади:

$$\sigma_{kp} = \frac{P_{kp}}{F} = \frac{\frac{\pi^2 EI_{\min}}{(\mu l)^2}}{F} = \frac{\pi^2 E}{(\mu l)^2} \frac{F}{I_{\min}} = \frac{\pi^2 E}{\left(\frac{\mu l}{i_{\min}}\right)^2} \quad (2)$$

бунда  $i_{\min} = \sqrt{\frac{I_{\min}}{F}}$  - стержен кўндаланг кесимининг минимал инерция радиуси.

Махраждаги миқдорни  $\lambda$  билан белгиласак у холда

$$\lambda = \frac{\mu l}{i_{\min}} \quad (3)$$

бўлиб,  $\lambda$  - стерженнинг эгилувчанлиги дейилади.

Демак критик кучланишни қуидагича ифодалаш мумкин

$$\sigma_{kp} = \frac{\pi^2 E}{\lambda^2} \quad (4)$$


$$\sigma_{kp} = \frac{\pi^2 E}{\lambda^2} \quad (5)$$

**Эйлернинг бу формуласидан ҳамма вақт ҳам фойдаланиб бўлавермайди**, чунки бу формулани чиқаришда материал эластик ва ҳар доим кучланиш билан деформация орасидаги боғланиш Гук қонунига бўйсунади деган фараз инобатга олинган эди.

Шунга асосан Эйлер формуласидан фойдаланиш учун ушбу шарт бажарилиши керак:

$$\sigma_{kp} = \frac{\pi^2 E}{\lambda^2} \leq \sigma_n \quad (6)$$

бунда  $\sigma_n$  - стержен материалининг пропорционаллик чегарасидаги кучланиши.



(6) дан эгилувчанликни топсак, у қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$\lambda \geq \sqrt{\frac{\pi^2 E}{\sigma_n}} = \pi \sqrt{\frac{E}{\sigma_n}} \quad (7)$$

**Масалан:** Пўлат Ст.3 учун  $\sigma_n = 2000 \text{ кг}/\text{см}^2$  эътиборга олиб, буни текшириб кўрсак у холда Эйлер формуласини ишлатиш чегараси

$$\lambda \geq \pi \sqrt{\frac{E}{\sigma_n}} = 3,14 \sqrt{\frac{2 \cdot 10^6 \text{ кг}/\text{см}^2}{2000 \text{ кг}/\text{см}^2}} = 100 \quad \text{бўлади.}$$

Демак, Эйлер формуласини  $\lambda > 100$  дан катта бўлгандағина ишлатишимииз мумкин.

**Агар холоса қиласиган бўлсак:**

1. Эгилувчанлик  $0 \leq \lambda < 40$  бўлган холлар учун (калта стерженлар) кучланишни қуидаги формула ёрдамида топиш керак (бу холда мустахкамликка баҳолаш етарли):

$$\sigma_{kp} = \frac{P_{kp}}{F} \quad (8)$$

2. Эгилувчанлик  $40 \leq \lambda \leq 100$  бўлганда (ўрта стерженлар) кучланишни қуидаги формула ёрдамида топиш керак:

(9)

Бу формула эмпирик формула бўлиб у рус олими **Ф.С. Ясинский** томонидан таклиф қилинган. Бундаги **a**, **b** коэффицентлар материалнинг хоссасига боғлик бўлган катталиклар. Улар тажриба йўли билан топилади.

3. Эгилувчанлик  $\lambda > 100$  бўлса кучланишни биринчи холдагидек қуидаги формула орқали топиш мумкин:

$$\sigma_{kp} = \frac{P_{kp}}{F}$$

## Сиқилган стерженларни амалий ҳисоблаш

Сиқилишга ишлайдиган стерженлар ташқи кучга қаршилик кўрсата олиши учун улар қўйдаги шартлар бўйича текширилган бўлиши керак:

### Мустахкамлик шарти

$$\sigma = \frac{P}{F} \leq [\sigma], \quad \text{бунда} \quad [\sigma] = \frac{\sigma_n}{n_m}$$

### Устуворлик шарти

$$\sigma = \frac{P}{F} \leq [\sigma_y], \quad \text{бунда} \quad [\sigma] = \frac{\sigma_{kp}}{n_y}$$

Бу ерда  $n_m$ -мустахкамлиknинг эҳтиётлик коэффиценти;  $n_y$ --устуворлиknинг эҳтиётлик коэффиценти.

Ҳисоблаш ишларини осонлаштириш учун устуворлиқда рухсат этилган кучланиш  $[\sigma_y]$  билан мустахкамлиқда рухсат этилган кучланиш  $[\sigma]$  ни ўзаро боғлаш керак. Агар бу иккита катталикни бир–бири билан боғласак, яъни

$$\varphi = \frac{[\sigma_y]}{[\sigma]} = \frac{\sigma_{kp} n_m}{n_y \sigma_n}; \quad \boxed{\quad} \quad (10)$$

$\varphi$  - қаршиликни камайтирувчи ёки бўйлама эгилиш коэффиценти деб аталади.

$\varphi$  - қаршиликни камайтирувчи ёки бўйлама эгилиш коэффиценти.

Бу коэффицентни қийматлари стерженни материалига ва уни эгилувчанлигига қараб олинади.  $\varphi$  - коэффицентнинг қийматлари стандарт жадвалларда берилган бўлади.

Шундай қилиб юқоридаги муносабатлардан келиб чиқсан холда сиқилган стерженнинг устиворлик шартини қуидагича ёзишимиз мумкин:

$$\sigma = \frac{P}{F \cdot \varphi} \leq [\sigma] \quad (11)$$

Бу шартдан фойдаланиб сиқилган стержен учун 3 хил масалани хал қилишимиз мумкин:

## 1. Устуворлика текшириш масаласи, яъни

$$\sigma = \frac{P}{F \cdot \phi} \leq [\sigma] \quad (11)$$

## 2. Стерженни қанча ташки кучни кутариш қобилиятини аниклаш, яъни

$$[P] \leq F\phi[\sigma] \quad (12)$$

## 3. Стерженнинг кўндаланг кесим юзасининг аниклаш масаласи, яъни

$$F \geq \frac{P}{[\sigma]\phi} \quad (13)$$

3- масала (20) ни хал қилишнинг ўзининг қийинчилеклари бор, сабаби бу холда иккита номаълум катталик пайдо бўлади, яъни  $F$  ва  $\phi$ . Бу холда масалани ечиш кетмакет яқинлашиш усули ёрдамида хал қилинади. Бунинг учун стержен юзасининг тахминий улчамлари ёки  $\phi$  коэффицентинининг тахминий қиймати (масалан,  $\phi = 0.5$ ) олинниб, кесимни юзаси  $F$ , инерция моменти  $I_{min}$ , инерция радиуси  $i_{min}$  ва  $\lambda$  эгилувчанлиги ҳисобланади.

Топилган  $\lambda$  эгилувчанлик асосида жадвалдан  $\phi$  нинг янги қиймати топилади, бу қиймат асосида юқорида бажарилган ҳисоб ишлари янгитдан бажарилади.

Бу хол, олдинги топилган кесим юзаси билан кейинги топилган кесим юзаси бирбиридан деяри фарқ қилмагунча давом эттирилади.

## Foydalaniłgan adabiyotlar

1. M.Mirsaidov, P.J.Matkarimov, A.M.Godovannikov Materiallar qarshiligi: [Oliy o'quv yurtlari uchun darslik]. – T., “Fan va texnologiya”, 2010, - 412 bet.
2. Usmanqulov A.Q., Ismayilov K., Adilov O.K., Yaxshiboev Sh.R. Materiallar qarshiligi [Matn] (*o'quv qo'llanma I-qism*) /– Samarqand. – 2018. – 344 bet.
3. Usmanqulov A.Q., Ismayilov K., Adilov O.K., Yaxshiboev Sh.R. Materiallar qarshiligi [Matn] (*o'quv qo'llanma II-qism*) /– Samarqand. – 2019. – 320 bet.
4. Materiallar qarshiligi. A.F.Smirnov taxriri ostida. Toshkent. «O'qituvchi», 1988.
5. K.M.Mansurov. Materiallar qarshiligi kursi. Toshkent. “O'qituvchi”, 1983.
6. M.T.O'rozboev "Materiallar qarshiligi kursi", Toshkent: O'qituvchi, 1979, 510 b.
7. B.Yuldashev, Xazratqulov I. “Materiallar qarshiligi” fanidan hisob-grafik ishlarini bajarish bo'yicha uslubiy qo'llanma. “TIQXMMI” MTU, 2022 y. 37 bet.
8. B.Yuldashev, Sh.Xudaynazarov „Materiallar qarshiligi” fani bo'yicha laboratoriya ishlarini bajarish bo'yicha uslubiy qo'llanma. “TIQXMMI” MTU, 2022 y. 75 bet.



"TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ  
XO'JALIGINI MEXANIZATSİYALASH  
MUHANDISLARI INSTITUTI" MILLİY TADQIQOT  
UNİVERSİTESİ



# E'TIBORINGIZ UCHUN RAHMAT!



Yuldashev Bakhtiyor  
Shodmonovich



Mexanika va kompyuterli  
modellashtirish kafedrasi dotsenti

+ 99871 237 09 81

[Baxtiyor\\_yuldashev68@mail.ru](mailto:Baxtiyor_yuldashev68@mail.ru)